

## Қуръони Карим дарслари (110-дарс). Уламоларнинг муташобихга муносабатлари тўғрисидаги хулоса



13:00 / 10.11.2020 4874

Уламоларнинг аввал ўзимиз ўрганиб ўтган муташобихнинг таърифи ва унинг қисмлари ҳақидаги гапларидан бу масалада улар икки гуруҳга тақсимланишлари аён бўлди;

*Биринчи гуруҳнинг* фикрича, муташобих илмини Аллоҳ Ўзига хос қилиб олган ва халойиқнинг бирортасига билдирмаган нарсадир. Шунинг учун у ҳақда баҳс юритишдан ва муташобих оятларга шўнғишдан сақланиш вожиб бўлади.

*Иккинчи гуруҳнинг* фикрича, муташобихни билиш имкони бор ва уни ўрганиш жоиздир. Чунки Аллоҳ таоло томонидан фаҳмлаб бўлмайдиган

хитоб бўлиши ҳикматдан эмас. Шунинг учун ҳам улар юқорида кўриб ўтганимиздек, сураларнинг аввалидаги ҳарфларни ва муташобих сифатларни таъвил қиладилар.

Яна таъкидлашимиз лозимки, таъвил қилиш ёки қилмаслик ҳақида ихтилоф қилинаётган муташобих сўзлар – қиёматнинг қоим бўлиш вақти, Дажжол ва Доббанинг чиқиши ва шунга ўхшаш қиёматнинг аломатлари, охиратнинг аҳвол ва кайфияти, шунингдек, сураларнинг бошидаги ҳарфларга боғлиқ нарсаларда, Аллоҳ таолонинг сифатларида ўхшатишнинг юзага келиши каби таъвил қилинганда ҳам ноаниқлиги кетмайдиган нарсалардадир.

Аммо муташобихнинг мазкурлардан бошқа турларини билиш имкони борлиги ва таъвил қилиш жоизлигида хилоф йўқ.

Икки тараф ўз тушунчасининг далили сифатида Қуръони Каримнинг битта оятини келтиради ва ўша оятни ўз тушунчалари асосида тафсир қилади.

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасида марҳамат қилади:

وَمَا تَأْوِيلُهُ ۚ وَأَبْعَاءُ الْقَسَنَةِ أَبْعَاءٌ مِنْهُ تَشَبَهَ مَا فَأْتَبِعُونَ رَبِّعٌ فَلَوْ بِهِمْ فِي الَّذِينَ قَامَا مَتَشَبِهَتْ وَأَخْرَجْنَا مِنْهُمُ أَمْ هُنَّ مُحْكَمَاتٌ ۚ آيَاتٌ مِنْهُ الْكِتَابَ عَلَيْكَ أَنْزَلَ الَّذِي هُوَ

﴿٧﴾ أَلَّا لَبِيبٌ أُولُوا إِلَّا يُذَكَّرُ وَمَا رَبَّنَا عِنْدَ مَنْ كُلِّ يَوْمٍ ؕ ءَامَنَّا يَقُولُونَ أَلَعَلَّ فِي وَالرَّسُوحُونَ اللَّهُ إِلَّا تَأْوِيلُهُ ۚ يَعْلَمُ

«У сенга Китобни нозил қилган Зотдир. Унда муҳкам оятлар бор – улар Китобнинг аслидир – ва бошқалари муташобихлар. Аммо қалбларида оғиш бор кимсалар фитна мақсадида ва уни таъвил қилиш мақсадида ундан муташобих бўлганига осилиб оладир. Унинг таъвилини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмас. Илмда мустаҳкам бўлганлар эса: «Унга иймон келтирдик, барчаси Роббимиз ҳузуридандир», дерлар. Ва фақат ақл эгаларигина эслатма олулар» (7-оят).

Биринчи гуруҳ уламолари ушбу оятдаги «**Унинг таъвилини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмас**» деган жумлада тўхтайдилар. Шунга биноан, «**Илмда мустаҳкам бўлганлар эса...**» жумласи янги бошланган жумла бўлади. Шунда маъно «Унинг таъвилини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмас. Илмда мустаҳкам бўлганлар эса: «Унга иймон келтирдик, барчаси Роббимиз ҳузуридандир», дерлар ва уни таъвил қилишга ўтмаслар» бўлади.

Демак, Аллоҳ таоло ушбу оятда муташобихга эргашганларни ёмонлади ва уларни тойилиш, ҳақдан бурилиш, фитна қўзиш ҳамда динда залолатга кетиш ила сифатлади. Шу билан бирга, бунда илмни Аллоҳга ҳавола қилганларни, муташобихга иймон келтириб, таъвилга ўтмаганларни мақтади.

Уларнинг яна бир далиллари ушбу оятнинг Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг қироатларидан келиб чиқадиган маъносидир. У кишининг қироатларига кўра бу оятнинг таржимаси **«Унинг таъвили Аллоҳдан бошқа ҳеч кимнинг ҳузурида эмас. Илмда мустаҳкам бўлганлар эса «Унга иймон келтирдик, барчаси Роббимиз ҳузуридан дир», дерлар»** шаклида бўлади. Шунда биринчи жумлани иккинчиси билан «вов» боғловчи ҳарфи ила боғлаб бўлмайди. Ҳар икки жумла алоҳида бўлади.

Биринчи гуруҳ уламолари ўзларининг муташобих бўйича айтган гапларига ҳадиси шарифлардан ҳам далиллар келтирадilar. Мисол учун, улар қуйидаги ҳадисни айтадилар:

هلل اولوس رالت :تلاق اهنع هلل اي ضره شئ اع ن ع:م لس و ه يل ع هلل ا ل ص

وما تأويله - وأبغَاءَ الْفِتْنَةِ ابْتِغَاءَ مِنْهُ تَشَبَهَ مَا فَيَتَّبِعُونَ رِيْعٌ فَلَوْ بِهِمْ فِي الَّذِينَ فَأَمَّا مَتَشَبِهَتْ وَأَخْرَجَ الْكِتَابِ أَمْ هُنَّ مُحْكَمَاتٌ ءَايَاتٌ مِنْهُ الْكِتَابَ عَلَيْكَ أَنْزَلَ الَّذِي هُوَ

يُصَوِّرُكُمْ الْأَلْبَابِ أُولَئِكَ إِلَّا يَذْكُرُوا مَا رَبَّنَا عِنْدَ مَنْ كُلُّ بِهِ ءَامَنًا يَقُولُونَ الْعَلَمِ فِي وَالرَّسُخُونَ اللَّهُ إِلَّا تَأْوِيلَهُ يَعْلَمُ

هُنَّ مَوَاقِفَاتٌ أَمْ نُوَعِبَّتْ فِي نِي دَلِ أَمْ تِي أَرِ إِذِ ا: هُنَّ عُلُوهَلل ا ي ضره هلل اولوس رالت :تلاق ا  
م لس و ي ر ا خ ب ل ا ه ا و ر . ه ه و ر د ح ا ف ه ل ل ا ي م س ن ي د ل ا ك ل و ا ف

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «У сенга Китобни нозил қилган Зотдир. Унда муҳкам оятлар бор – улар Китобнинг аслидир – ва бошқалари муташобихлар. Аммо қалбларида оғиш бор кимсалар фитна мақсадида ва уни таъвил қилиш мақсадида ундан муташобих бўлганига осилиб оладир. Унинг таъвилини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмас. Илмда мустаҳкам бўлганлар эса: «Унга иймон келтирдик, барчаси Роббимиз ҳузуридан дир», дерлар. Ва фақат ақл эгаларигина эслатма олурлар»ни тиловат қилдилар. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачон ундан муташобих бўлганларига эргашаётганларни кўрсангиз, ана ўшалар Аллоҳ номлаганлардир. Бас, улардан ҳазир бўлинглар», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилганлар.

Бу гуруҳдаги уламоларнинг яна бошқа далиллари ҳам бор.

Иккинчи гуруҳдаги уламолар, муташобихни билиш имкони бор, дейдилар ва таъвил эшигини очадилар. Улар бунда ҳеч қандай айб йўқ, дейдилар. Улар юқоридаги оятни ҳам ўзларига хос тафсир қиладилар. Уларнинг тушунишларича, оятдаги «Унинг таъвилини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмас» жумласига ундан кейинги «Илмда мустаҳкам бўлганлар» жумласи «вов» ҳарфи ила боғланади. Шунда маъно **«Унинг таъвилини Аллоҳ ва илмда мустаҳкам бўлганлар билар. Шу билан бирга, улар: «Унга иймон келтирдик, барчаси Роббимиз ҳузуридандир», дерлар»** бўлади.

Бу гуруҳдаги уламоларнинг далилларида яна бири Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг «Мен унинг таъвилини биладиганларданман», деган гапларидир. Худди шу гапни у кишининг шогирдлари Мужоҳид ибн Жабр ҳам айтганлар. У киши Аллоҳ таолонинг «Ва илмда мустаҳкам бўлганлар» деган қавли ҳақида: «Унинг таъвилини билурлар ва «Унга иймон келтирдик», дерлар», деган.

Ушбу фикрни кўпчилик қўллайди. Уларнинг ичида кўпчилик тафсирчилар, усул илми аҳллари, имом Ашъарий ва энг асосийси, Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби уламолари бордир.

Таъвилга энг узоқ бўлганлар ҳанбалийлар ва аҳли ҳадислардир. Ривоятларда зикр қилинишича, имом Аҳмад ибн Ханбал раҳматуллоҳи алайҳи фақат учта ҳадисни таъвил қилганлар.

Таъвил тарафдорлари ўзларининг мухолифлари айтган гап уларнинг ижтиҳодлари экани, ҳамма юриши лозим бўлган йўл эмаслигини таъкидлаш билан бирга, уларнинг айтганларига раддиялар ҳам берадилар. Уларнинг фикрича, мухолифлар таъвилга келтирган ҳадислардаги огоҳлантириш ва ҳазир бўлишга чақириқлар таъвилни фитна ва диндан адаштириш учун қўллаш каби ишлардан сақланиш борасидадир.

**«Қуръон илмлари» китобидан**